

## ЛЕБОЗОЛ ГУРУҲИ СТИМУЛЯТОРЛАРИНИ МАЖМУИЙ ҚЎЛЛАШНИНГ ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Сулаймонова Шахло Новатулло қизи

таянч докторант (PhD)

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

*Аннотация.* Ўсимликларни ўсув даврида, таркибида микро ва макро элементлар жамланган перепаратлар билан ишлов бериш орқали ўсиши, ривожланишини жадаллаштириб, ҳосилдорлигига ижобий таъсир этиши мумкин. Лебозол гуруҳига оид бўлган перепаратларни гўзада турли муддат ва меъёрларда мажмуий қўллаш орқали битта кўсакдаги пахта вазни 0,1-0,4 гр га ортиб пахта ҳосилдорлиги 1,4 ва 16,4 % га юқори бўлиши аниқланди.

*Таянч сўзлар:* гўза, Лебозол, кўсак вазни, перепарат, пахта, ҳосилдорлик.

### КИРИШ

Қишлоқ хўжалигида мавжуд ва чекланган ресурслардан унумли фойдаланган холда юқри ва сифатли ҳосил олиш бугунги кун талаби ҳисобланади. Гўза ва бошқа экинларда ўсимликларни ўсишини созловчи моддалар устида кўплаб тадқиқотчилар ишланишлар олиб бориб ўз хулосаларини беришган.

Т.З. Султанов ва бошқалар томонидан “СЕРҲОСИЛ”, “РИЗОКОМ-1” биопрепаратлари билан чигитга ишлов берилган вариантда, ишлов берилмаган вариантга нисбатан 3-4 кун олдин униб, ўсимликларни ўсиш ва ривожланиши жадалроқ кечгани, шунингдек бу перепаратлар билан ишлов берилган вариантларда пахта ҳосилдорлиги назорат вариантыга нисбатан мос равишда 26,0 фоиз юқори эканлиги кузатилди ва ўртача ҳосилдорлик мос равишда 37,9 ц/га ташкил этганлигини таъкидлашган [6]

Б.А.Сулаймонов ва бошқалар. Гумимакс стимулятори республикамизнинг барча вилоятларида турли тупроқ-иқлим шароитларида ҳар хил гўза навлари

чигитига ва ўсимликни шоналаш-гуллаш даврларида ишлов берилганда пахта ҳосили 2,5-3,5 ц/га ортганлигини баён этишган [5].

Ш.Х.Абдуалимов томонидан Гуминли стимуляторлар ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этиб, ҳосил тўплашини яхшилади, шона, гул ва кўсақлари кўпайиб, тўкилиши камаяди, эрта пишиб етилади, ҳосил ва унинг сифати ортиши таъкидланган. [1].

Ш.Х.Абдуалимов ва бошқалар томонидан Ғўза парваришида Бомс перепарати қўлланилганда ўсимликлар бўйи назоратга вариантыга нисбатан 8,9-9,8 см га юқори, симподиал шохларнинг сони 13,9-15,1 донага ортиқ бўлгани аниқланди. Бу назорат вариантыдан 1,0-1,8 дона кўпдир. Кўсақлар сони 6,7 дан 7,6 донагача ортиб Бомс перепарати таъсирида битта кўсақдаги пахта вазни ошди. Бу кўрсаткич 5 гр ни ташкил қилди, назорат вариантыга нисбатан 1,8 гр юқори бўлганини таъкидлаган [3].

Ш.Х. Абдуалимов, З.Давлетова томонидан Найкл стимулятори билан чигитга экиш олдида 4 л/т меъёрда ишлов берилганда униб чиқиш 11,1% тезлашган бўлса, шоналаш даврида 0,5-1,0 л/га, гуллаш даврида 1,5-2,0 л/га ва ҳосил туғиш даврида 2,5-3,0 л/га меъёрларда қўлланилганда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги бўйича энг юқори натижаларга эришилганлиги баён этилган [2].

Юқорида келтирилган тадқиқотчилар хулосаларидан англаш мумкинки, ўсимликларда стимуляторлар қўллаш орқали экинларни ўсиб ривожланиши жадаллашиб ҳосилдорликни ортишига ижобий таъсир этиши тўғрисида фикрлар берилган.

Ушбу тадқиқотда Лебазол гуруҳига крувчи перепаратларни ғўзада турли муддат ва меъёрларда мажмуий қўллаш самарадорлигини ўрганишни мақсад қили олинган.

### ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИ

Тадқиқотиши дала шароитида 2019 йилда Тошкент вилоятида жойлашган Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг тажриба майдонида ўтказилди.

Изланишлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПТИ, 2007), ва “Методика полевого опыта” услублари (1985) асосида олиб борилган. Математик таҳлиллар Доспехов Б.А. (1985) бўйича бажарилган.

Тажриба 6 та вариантдан иборат бўлиб 3 қайтариқда 3 ярусда жойлаштирилган. Тажриба майдонининг узунлиги 25 м, эни 2,4 м, битта вариант майдони 60 м<sup>2</sup>, шундан ҳисоблаш майдони 30 м<sup>2</sup> ни ташкил этган.

Тажрибада ғўзанинг Андижон-37 нави экилиб, Лебозол ПК Макс, Лебозол Магфос ва Нутриплант 8-8-6 препаратлари билан Лебозол Бор, Лебозол МагС СК, Лебозол Калий 450, Лебозол Квадро Микс ва Аминозол препаратлари ғўзанинг 3-4 чин барг, шоналаш ва гуллаш даврларида турли меъёрларда ишлов берилган. Такқослаш учун перепаратлар билан ишлов берилмаган назорат варианты ҳамда эталон сифатида Узгуми стимулятори шоналаш даврида 0,3 л/га, гуллаш даврида 0,4 л/га меъёрда қўлланилган.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, ғўзани вегетация даврида перепаратлар билан ишлов бериш орқали ўсимликлардаги физиологик жараёнларни жадаллашиб ҳосилдорлик ортишига ижобий таъсир этиши аниқланди. Мавсум сўнгида битта кўсакдаги пахта вазни бўйича таҳлиллар ўтказилганда куйидагича натижалар олинди (1-жадвал). Бунда, битта кўсакдаги пахта вазни перепарат қўлланилмаган назорат вариантыда 5,3 гр ни, эталон сифатида Узгуми қўлланилган вариантда 5,5 гр ни ташкил этди. Лебозол гуруҳи оид препаратлари билан ғўзага турли муддат ва меъёрларда мажмуий ишлов берилганда битта кўсакдаги пахта вазни 5,4-5,7 гн ни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар назоратга нисбатан Узгуми қўлланилган вариантда 0,2 гр ни, Лебозол гуруҳи препаратлари билан ишлов берилган вариантларда 0,1-0,4 гр га вазни юқори бўлган.

Тажриба даласида етиштирилган пахта ҳосили таҳлил қилинганда куйидагича натижалар олинган(1-жадвал). Перепаратлар билан ишлов берилмаган назорат вариантыда пахта ҳосили 34,1 ц/га, эталон сифатида Узгуми перепарати билан ишлов берилган вариантда 36,5 ц/га ни ташкил этган. Лебозол перепаратлари билан мажмуий тарзда турли муддат ва меъёрларда ишлов берилганда яъни, Нутриплант 8-8-6, Лебозол ПК макс ва Лебозол Квадро Микс С препаратлари мажмуий қўлланилган вариантыда 34,6 ц/га, Нутриплант 8-8-6, Лебозол Магфос, Лебозол Квадро Микс С билан ишлов берилган вариантда 36,3 ц/га, Нутриплант 8-8-6, Лебозол Бор, Лебозол Магс СК, Аминозол ва Лебозол Калий 450 мажмуий қўлланилган вариантда 39,7 ц/га ва Нутриплант 8-8-6, Лебозол Бор, Лебозол Магс СК, Аминозол ва Лебозол Калий 450 билан ишлов берилган вариантда 38,2 ц/га ҳосилдорликни ташкил этган. Назоратга нисбатан қўшимча ҳосил эталон вариантда (Узгуми) 2,4 ц/га, Лебозол гуруҳи препаратлари қўлланилган вариантларда 0,5-5,6 ц/га ташкил этган.

1-жадвал

Лебозол гуруҳи препаратлари билан ғўза вегетацияси даврида ишлов  
берилганда пахта ҳосилига таъсири

№	Тажриба вариантлари	Ғўзани 4-5 барг, шоналаш ва гуллаш даврида қўллаш меъёри	Бир кўсакдаг и пахта вазни, г	Пахта ҳосили, ц/га	Назорат дан фарқи, ц/га
1	Назорат	-	5,3	34,1	-
2	Узгуми	0,0-0,3-0,4 л/га	5,5	36,5	2,4
3	Нутриплант 8-8-6	0,0-4,0-4,0 л/га	5,4	34,6	0,5
	Лебозол ПК макс	0,0-5,0-5,0 л/га			
	Лебозол Квадро Микс С	1,5-0,0-1,5 л/га			
4	Нутриплант 8-8-6	0,0-4,0-4,0 л/га	5,5	36,3	2,3
	Лебозол Магфос	4,0-4,0-0,0 л/га			
	Лебозол Квадро Микс С	1,5-0,0-1,5 л/га			
5	Нутриплант 8-8-6	0,0-5,0-0,0 л/га	5,7	39,7	5,6
	Лебозол Бор	0,0-1,5-0,0 л/га			
	Лебозол Магс СК	0,0-0,0-3,0 л/га			
	Аминозол	2,0-0,0-0,0 л/га			
	Лебозол Калий 450	0,0-5,0-0,0 л/га			
6	Нутриплант 8-8-6	5,0-0,0-0,0 л/га	5,5	38,2	4,1
	Лебозол Бор	0,0-0,0-1,5 л/га			
	Лебозол Магс СК	0,0-3,0-0,0 л/га			
	Аминозол	1,0-0,0-1,0 л/га			
	Лебозол Калий 450	0,0-5,0-0,0 л/га			

НСР<sub>05</sub>=0,4 ц/га, НСР<sub>05</sub>=1,1%

Олиб борилган тажрибада энг юқори ҳосилдорлик Нутриплант 8-8-6, Лебозол Бор, Лебозол Магс СК, Аминозол ва Лебозол Калий 450 препаратларини ғўзани 3-4 чинбарг, шоналаш ва гуллаш даврларида мажмуий қўлланилганда олиниб бу кўрсаткич 38,2-39,7 ц/га ни ташкил этган. назорат вариантыга нисбатан 4,1-5,6 ц/га ёки 12,0-16,4% юқори ҳосил олинган.

Тажрибада энг юқори пахта ҳосили Нутриплант 8-8-6, Лебозол Бор, Лебозол Магс СК, Аминозол ва Лебозол Калий 450 препаратлари турли меъёрларда ва ғўзанинг турли ривожланиш даврларида мажмуий қўлланилган вариантларда олиниб 38,2-39,7 ц/га ни ташкил этган ҳолда назорат вариантыга нисбатан 4,1-5,6 ц/га ёки 12,0-16,4% юқори ҳосил олингани аниқланган.

## ХУЛОСА

Тадқиқот натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, ғўзанинг 3-4 чин барг, шоналаш ва гуллаш даврларида Лебозол ПК Макс, Лебозол Мағфос ва Нутриплант 8-8-6 препаратларини Лебозол Бор, Лебозол Мағс СК, Лебозол Калий 450, Лебозол Квадро Микс ва Аминозол препаратлари билан мажмуий ишлов бериш орқали пахат ҳосилдорлигини 0,5-5,6 ц/га ошиб, 1,4 ва 16,4 % га қўшимча ҳосил олишга эришилди.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуалимов Ш. Ўзбекистон пахтачилигида ўсишни соловчи моддаларни қўллашнинг аҳамияти.// Ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни парваришlash агротехнологияларини такомиллаштириш. ЎзПТИ илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. -Тошкент, 2013. –Б.105-112.
2. Абдуалимов Ш.Х., Давлетова З.И. Найкл препаратининг чигит униб чиқиши ва ғўзанинг ўсиш-ривожланишига таъсири // Аграр фан назарияси ва амалиётидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари материаллар тўплами. Тошкент-2020. 14-15 декабрь 848-852 б.
3. Абдуалимов Ш.Х., Равшанова Н.О, Рахимова Д.И. Бомс препаратининг ғўза ниҳолларининг униб чиқиши, ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири // Пахтачилик ва дончилик илмий-амалий журнали. Тошкент-2022. № 2. 61-65-б.
4. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент. 2007. 4-141 б.
5. Сулаймонов Б.А ва бошқалар Пахтачиликда стимуляторларни қўллаш ва ғўзани зарарли организмлардан химоя қилишнинг мажмуий усуллари Тошкент-2015. 22-б
6. Султанов Т.З ва бош. Серҳосил биопрепаратининг ғўза ўсимлигини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири // Ирригация ва мелиорация журнали №-4(6). 2016 й, 11-14 б.